

Normal 0 false false false MicrosoftInternetExplorer4

□□ □□□□□□□□ ,□□□□ □□□□□□□□□□ , □□□□□□ □□ □□□□□□ □□□□□□ :□□□□□□□□

«Дироя» – бир нарсага диққатни қаратиб, у ҳақда тафаккур қилиш ва уни фахмлаш деганидир.

Бу тафсир тури соғлом ижтиход ва фикр юритиш асосига бино қилинган. Муфассир олимлар бундай тафсир қилганларида ёки қилаётганларида нафсу хаволарига учмайдилар, ақлларига биринчи дуч келган фикрларини келтирмайдилар, балки оятнинг аслий маъносининг чегарасидан ташқарига чиқмай, мазмун доирасида фикрларини юритадилар, ижтиход қиладилар. Чунки улар жаноб Пайгамбаримиз алайхвссаломнинг шу хусусда айтган ҳадисларини яхши биладилар ва Аллоҳ таолодан такво қиладилар. Ибни Аббос розияллоху анху ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ алайхиссалом шундай деганлар:

□□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□ □□ □□□□□ □□ □□□□□ □□ □□□□□ □□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□□□ □□□□□ □□□ □□ □□□□□

яъни: «Кимки менга нисбатан билиб туриб ёлгон гап айтса ўзига оловдан жой тайёрласин, кимки Куръонни хоҳлаганича тафсир қилса, оловдан жой тайёрласин».

Ушбу ҳадисни Ибни Аббос розияллоху анху икки хил шарҳ қилганлар:

1. Саҳобалар ва тобеинлар келтирган тафсирларини билмай ўзича тафсир қилган киши Аллоҳ таолонинг газабига учрайди.

1. Абдуллох ибн Умар ал-Байзовийнинг «Анварут-танзил ва асрорут-таъвил»,
(Тафсирул-Байзовий).

2. Абдуллох ибн Ахмад ан-Насафийнинг «Мадарикут-танзил ва хакоикут-таъвил»,
(Тафсирун-Насафий).

3. Жалолиддин ас-Суютий ва Жалолиддин ал-Махаллийларнинг «Тафсирул-Жалалайн».

Ва бошқалари.